Муаллиф:
25.11.2024 11:15 -




Чингизхон (монг. Чингис хаан, асли исми — Темужин) 1155 ва 1162 йиллар оралигида Онан дарёси бўйидаги Делуун-Болдог худудида (хозирги Шимолий-Шаркий мўгулия) тугилган ва 1227 йилнинг 25 август куни Хара-Хото шахрида (хозирги Хитойнинг Нинся-Хуэй автоном районида) вафот этган. У мўгул империясининг асосчиси ва биринчи буюк хони бўлиб, таркок холдаги мўгул ва туркий кабилаларни бирлаштирган. Чингизхон саркарда ва ташкилотчи бўлиб, унинг бошчилигида мўгуллар Хитой, Марказий Осиё, Кафкоз ва Шаркий Европада боскинчилик юришларини амалга оширган. У инсоният тарихидаги энг катта китъа империясини барпо этган.

**Ёшлиги ва оиласи**
Чингизхон 1155—1162 йиллар оралигида Онан дарёси бўйидаги Делуун-Болдогда тугилган. Унинг отаси Есугей, тайжиут кабиласига мансуб кият-боржигин уругининг бошлиги эди. Онаси Оэлун олхонут кабиласидан бўлган. Темужин 9 ёшида Бортэ исмли кизга совчиланган ва отаси уни келиннинг уйида колдириб кетган. Отаси Есугей татарлар томонидан захарланиб, уч кундан кейин вафот этган. Шундан кейин Темужиннинг болалиги ва ёшлиги бошпана излаш ва кочишда ўтган.

**Мўгул кабилаларини бирлаштириш**
Темужин харбий истеъдод ва ташкилотчилик кобилиятига эга эди. У чжурчженлар билан тактик иттифоклар тузиб, душманларининг кучсизлиги ва таркоклигидан фойдаланиб, 1183—1204 йиллар оралигида асосий ракибларини маглуб этди. 1206 йилда Онан дарёси водийсида ўтказилган курултойда Темужин "Чингизхон" унвони билан буюк хон деб эълон килинди.

## Давлат ва армия ислохотлари

Чингизхон давлат бошкарувини марказлаштириш ва харбий тизимни мустахкамлашга ахамият каратди. У мамлакатни маъмурий-харбий бўлинмаларга ("мингликлар") ажратди ва уларни якинлари хамда назорат остидаги нойонларга топширди. У шахсий гвардия (хэшиг) ташкил этди, бу гвардия аъзолари хокимият тизимига кириш имконига эга эди.

Армияда катъий интизом ўрнатилди ва унда ўнлик тизим жорий этилди: ўн одамдан юзлик, юз одамдан минглик, минг одамдан туман (ўн минглик) тузилган.

## Мўгул империясининг барпо этилиши

1209—1210 йилларда Чингизхон мўгулиядан ташкаридаги худудларга юришларни бошлади. У аввало уйгурларни бўйсундирди, сўнгра тангутларнидан бокийлик солик олишга мажбур килди. 1211 йилда унинг кўшинлари Цзинь империясига хужум килди. Бу юришлар давомида тинч ахоли оммавий киргинга учради, шахарлар ва кишлок хўжалиги вайрон бўлди.
Чингизхон Хитой, Мовароуннахр, Хоразм ва Афгонистонда шахсан харбий юришларга бошчилик килди. Унинг буйруги билан Жэбэ ва Субэдэй кўмондонлигидаги кўшинлар Киев Русига юриш килиб, Калка дарёсида рус кўшинларини маглуб этди.

## Вафоти

1227 йилда тангутлар давлатининг пойтахтини камал килиш пайтида, жорияси тамонидан жинсий аъзоси кесиб ташлангани окибатидан кўп кон йўкотиб, кийналиб, хорлик ва зорликда ўлган. Унинг кабри жойи хануз номаълум.

Чингизхоннинг васиятига кўра, унинг ўрнини учинчи ўгли Ўктогой эгаллади. Унинг харбий экспансия сиёсатини ўгиллари ва неваралари давом эттирди.
Мўгул манбаларда Чингизхон кахрамон сифатида тасвирланса, форс ва хитой хроникаларида унинг фаолиятига карши фикрлар хам мавжуд.
Чингизхон кофир бўлиб кўпгина ўрта аср хроникалари ва замонавий тарихчилар Чингизхоннинг забт этиш юришларини бекиёс масштабдаги оммавий вайронагарчиликлар сифатида тасвирлайдилар. Бу юришлар баъзи минтакаларда ахолининг кескин кискаришига олиб келган, бу эса оммавий киргинлар ва очарчилик окибатида содир бўлган. Чингизхоннинг харбий юришлари натижасида халок бўлганлар сони турлича бахоланади: энг кам бахоларга кўра 4 миллион киши, энг юкори хисоб-китобларга кўра эса 60 миллион киши халок бўлган.

Абу Муслим